Ушбу сонда:

2 ТУЗ КОНИГА темирйўл келди

3 «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ

4 *Юлдузларимиз* АФИНАГА ЙЎЛ


ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 28 апрел, чоршанба № 70 (1703)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


## ЮКСАК МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

***Президентимиз Ислом Каримов Фармонига биноан кўп йиллик самарали ижодий меҳнати, ўзбек адабиёти ва маданиятини ривожлантиришдаги катта хизматлари, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллиги учун Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланди.***

Шу муносабат билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адибни тақдирлаш маросими бўлди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари томонидан маданиятнинг барча соҳалари каби адабиёт равнақига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани, ижодкорлар меҳнати муносиб тақдирланаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом Ватанимизнинг юксак мукофоти билан тақдирлангани ҳам бунинг яна бир далилидир. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов адибга ана шу орденни топширди. Ҳамид Ғулом ўз ижодий меҳнатларини тақдирлагани учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этди.

**(ЎзА)**

*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қабулхонасида*

# ОДАМЛАР КОРИГА ЯРАШ-БАХТ

Қайси бир жойда қонун устуворлигига риоя этилса ўша жойда иш унуми ортади. Меҳнаткашлар корхонага меҳр қўйишади. Мабодо бунинг акси бўлса-чи? Тегишли идораларга қатнаб, қанчадан-қанча вақт бесамар кетади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига шикоят ва аризалар билан қатнаб, ҳақиқатни рўёбга чиқаришни истаганларни қабулхонада кўплаб учратиш мумкин. Қайдномаларга қараганда, ўтган йили 974 нафар киши мурожаат этган. Уларнинг шикоятлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида Низом»га мувофиқ амалга оширилмоқда. Шикоят ва аризалар Кенгаш раҳбарияти, тегишли бўлимларнинг мутахассислари, Марказий қўмиталарнинг ходимлари томонидан синчиклаб ўрганиб чиқилади. Ҳар бир фуқаронинг илтимоси эътибор билан тингланиб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ўтган йил мобайнида мурожаат этувчиларнинг аксарият қисмини Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона вилоятларида истиқомат этувчилар ташкил этди. Аризаларнинг мазмун-моҳияти асосан ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва улар билан боғлиқ зарарни қоплаш, ишдан ноқонуний бўшатиш ёки бошқа ишга ўтказиш, иш ҳақи ва меҳнатни меъёрлаш билан боғлиқдир.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ишдан ноқонуний бўшатиш билан боғлиқ бўлган масалалар кўпроқ агросаноат мажмуи, давлат муассасалари ва жамоат хизмати, таълим ва фан, соғлиқни сақлаш, енгил саноат, маиший хизмат кўрсатиш тармоқларида юз бермоқда. Масалан, «Ғаллабанк»нинг Яккабоғ туман бўлимининг ахборотлаштириш шуъбаси мутахассиси Ж.Вафоева 2 ёшга тўлмаган фарзанди бўлишига қарамай, ноқонуний равишда ишдан бўшатилган. Унинг аризасини Қашқадарё вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг мутахассислари синчиклаб ўрганиб чиқишди. Натижада бўлим бошлиғининг буйруғига асосан Ж.Вафоеванинг қонуний манфаатлари қайта тикланди. Унинг мажбуран бекор юрган вақти учун лозим бўлган маблағ ундириб берилди.

Кейинги вақтларда штатларни қисқартириш, корхона ҳамда ташкилотлар тугатилиши натижасида ходимларнинг ишдан бўшатилишида амалдаги қонунларнинг бузилиши, иш ҳақини ўз вақтида тўланмаётганлиги ҳақидаги шикоятлар ҳам тез-тез учрамоқда. Масалан, Самарқанд вилоятидаги «Нуробод» нефт базасига қарашли «Зирабулоқ» акциядорлик жамиятида ишлаган Х.Имомов ҳам корхона тугатилгандан сўнг меҳнат шартномаси осонликча бекор қилиб юборилган. У Кенгашга мурожаат этгач, унга тегишли барча якуний тўловлар, яъни компенсация пуллари, харид қилган акциялари бўйича тўланиши лозим бўлган дивидентлар ундириб берилди.

Ишлаб чиқаришда соғлиққа етказилган зарар учун ҳақ тўлаш, бахтсиз ҳодисалар бўйича корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбариятлари томонидан актлар тузишдан бош тортиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Мисол учун, Фарғона шаҳрида яшовчи Л.Лузина ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса туфайли жароҳатланган. Унинг ҳақли талаби «3-сонли темирбетон заводи» очиқ турдаги акциядорлик жамияти томонидан қондирилмаган. У Федерацияга шикоят хати йўллаганди. Унинг аризасида кўрсатилган барча фактлар ўз тасдиғини топди. Натижада унга тегишли бўлган 81 минг сўмни корхона тўлади. Сурхондарё вилоятида яшовчи Т.Шоматовнинг соғлиғига етказилган зарар учун тўланадиган маблағни ундириб бериш ҳақидаги аризаси ҳам Кенгашга мурожаат қилингандан кейин ижобий ечимини топди.

Қабулхонага санаторий ва дам олиш уйларига имтиёзли йўлланмалар ажратишни сўраб, мурожаат этувчилар ҳам учрамоқда. Уларга имконият даражасида ёрдам берилмоқда. Самарқанд вилоятининг «Зарафшон» ижара хўжалигида узоқ йиллар ишлаган, олти нафар фарзанднинг онаси М.Янгибоева, 59-мактаб-интернат ўқитувчиси Н.Шакаров, Бухоро шаҳар кўзи ожизлар ўқув-ишлаб чиқариш корхонасининг ишчилари З.Ниёзова ва унинг турмуш ўртоғи Н.Ҳайдаров, нафақахўрлар К.Сереброва, Н.Тумский ва Т.Туйғуновлар шулар жумласидандир.

Келаётган ариза ва шикоятларда иш берувчилар билан ўзаро юз берган шахсий келишмовчиликлар, баъзи раҳбарларнинг ноўрин хатти-ҳаракатлари, пенсия таъминотидаги айрим камчиликлар баён қилинмоқда. Мутахассислар бундай шикоятчиларга имконият даражасида маслаҳатлар, зарур бўлганда амалий ёрдам кўрсатишаяпти.

Кўплаб ариза ва шикоятлар айрим раҳбарларнинг қонунни яхши билмасликлари ёки кўра-била туриб, унга риоя этмасликлари оқибатида юзага келмоқда. Республикамиз Президенти Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида одамларни ўйлантираётган, ташвиш ва эътироз уйғотаётган муаммолар ҳақида холисона гаплашиб олиш, уларни бартараф этиш йўлларини излаш муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади. Бунинг учун эса ким бўлишдан қатъи назар барча қонун устуворлигига риоя этиши шарт.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн тўртинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси 29 апрел куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 28 апрел куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар ва 29 апрел куни соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

**Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган депутатлар диққатига**

Олий Мажлисда 28 апрел куни соат 15.00 да «Адолат» Социал-демократик партиясининг фракцияси, ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоки ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоки йиғилишлари ўтказилади.



## САМАРҚАНД УНИВЕРСИАДАГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Шарқ дурдонаси – Самарқанд катта анжуманга ошиқмоқда. Яқинда бу ерда «Универсиада-2004» мусобақалари ўтказилади. Шу муносабат билан шаҳарда бир қатор спорт иншоотлари бунёд этилмоқда.

Ёпиқ ва очиқ сув ҳавзалари, енгил атлетика, басткебол, волейбол, мини футбол, оғир атлетика, гимнастика ҳамда теннис кортлари мусобақа ўтказилишига шайланган. Айни пайтда эса Самарқанд Давлат университетининг 2-академик лицейи спорт комплексида кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. 15 минг томошабинга мўлжалланган стадион, спорт заллари, очиқ сузиш ҳавзаси ҳамда ўқув биноларига етти миллиард сўм ажратилган. Мазкур ўқув даргоҳида 1050 ўқувчи спорт йўналиши бўйича таҳсил олади.

Улкан қурилиш майдонида самарқандлик қурувчилар билан ёнма-ён жиззахлик ва тошкентлик ҳамкасблари меҳнат қилмоқда. Бош пудратчи пойтахтдаги «Франц-Азия» қўшма корхонаси барча юмушларни режали олиб бормоқда. Бундан ташқари, 173-кўчма қурилиш сафи, Самарқанд уй-жой қурилиш инвест корхонаси ишчилари ҳам қурилиш ишларида фаол.

**Суратларда: кран машинисти К.Абдурайимов; 173-кўчма қурилиш сафи бош муҳандиси С.Аролов ва автосскрепер машинисти О.Кузьмин.**

**Т.НОРҚУЛОВ**
**(ЎзА) олган суратлар**

***Андижондаги IATP Интернетдан фойдаланиш марказида сайтлар яратиш бўйича янги дастур /IWE/ тақдимоти бўлиб ўтди.***

## ДАСТУР ТАҚДИМОТИ

- Дастурни яратишдан кўзланган мақсад Интернет тармоғида ўзбек тилидаги web-ресурсларни кўпайтиришдир,- дейди IATP дастури тренинглар мувофиқлаштирувчиси Пўлат Тиллабоев. - Янги дастурнинг ўзига хос хусусияти шундаки, компьютерда ишлашни унчалик яхши билмайдиган фойдаланувчи ҳам ўзи сайт яратиши мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Тадқиқотлар ва алмашиш бўйича халқаро бюро /IREX/ томонидан ташкил этилган Интернет тармоғидан фойдаланиш бўйича 18 та ана шундай марказ ишлаб турибди. Мамлакатимизда етти йилдан буён фаолият юритаётган бу ташкилот ёшларни ўқитиш борасида катта ёрдам кўрсатмоқда.

**(ЎзА)**

*Фаоллар ҳақида ҳикоялар*

***Маъмурият билан касаба уюшма ташкилотининг қўшма мажлиси Ҳамробек Даврoновнинг бир умрга ёдида муҳрланиб қолган. Чунки ушбу йиғилишда Ҳамробек касаба уюшма ташкилотининг раислигига сайланганди.***

# БАҲОР КУНЛАРИНИНГ БИРИДА

Кечагидек хотирасида. Ҳуқуқшуносликка ихтисослашган мактаб-интернат эндигина ташкил топган кунлар... Кун тартибига қўйилган масалалар муҳокама қилиб бўлинган, навбат ташкилий масала — касаба уюшма етакчилигига кимнинг номзодини кўрсатишга келиб тақалганди.

Директор Муҳаммаджон Шоматов Ҳамробекнинг номини тилга оларкан, юзларча нигоҳлар унга қадалганини пайқаб ҳаяжондан юраги гупиллаб ура бошлайди. Кўпчилик-барибир кўпчилик. Улар нима дейишаркин?

Ниҳоят кўпни кўрган ходимлардан бири ўртага чиқди. Мажлис аҳли сув қуйгандек жимиб қолди.

– Касаба уюшма етакчиси жамоанинг ғамхўри, отахони, фуқароларнинг иш ҳақи, пенсия, нафақаларини вақтида олишини назорат қилишдан тортиб меҳнаткашларнинг дам олишлари, соғлиқларининг мустаҳкамланиши, таътили, ҳақ-ҳуқуқларини ҳам ҳимоя қила билиши керак. Сизнинг бунга билимингиз, сабр-бардошингиз етадими, – дея нотиқнинг Ҳамробекка синовчан тикилиб қолгани ҳали-ҳануз кўз олдида.

Умр оқар дарё экан. Мана шунга ҳам 10 йилга яқин муддат ўтипти. Касаба уюшма ташкилоти 10 кишидан 70 нафарга кўпайди. Мактаб-интернатда 400 нафарга яқин бўлажак ҳуқуқшунослар билим ва малака олишаяпти. Мутахассислик гувоҳномасини олган йигит-қизларнинг аксарияти республикамизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи нуфузли идораларида ишлашаётир.

Илмгоҳ ўқув-тарбия ишларининг сифати ва самарадорлиги ноанъанавий илғор педтехнологияларни амалиётга жорий қилиш бўйича жумҳуриятда юқори рейтингга эга бўлган даргоҳлардан биридир. 2003 ўқув йилида мазкур илм масканидан учирма бўлган талабаларнинг 95 фоизи Тошкент ва Наманган шаҳарларидаги юридик олийгоҳларга ўқишга жойлашган.

Фан олимпиадаларида ҳам ёш ҳуқуқшунослар доим юқори кўрсаткичларга эришиб келаётирлар. Масалан, 2003 йилда ўтказилган тарих фани йўналиши бўйича вилоят олимпиадасида бир йўла 25 нафар талаба иштирок этди. Талабалардан Султонбек Исақов тарих фанининг билимдони сифатида республикада фахрли ўринни эгаллади. Ҳозирда Султонбек Наманган давлат университетининг ҳуқуқшунослик куллиётида ўқишни давом эттирмоқда.

Инглиз тилидан бўлиб ўтган вилоят олимпиадасида юқори синф талабаларидан Беҳзод Алиевнинг олдига тушадиган бўлмади. Беҳзод ҳайъат аъзолари билан бемалол инглиз тилида мулоқотга киришиб, ҳамманинг ҳавасини келтирди. Туланбой Иброҳимов информатика фани юзасидан уюштирилган вилоят олимпиадаси беллашувида энг мураккаб тенгламаларни ечиб тенгдошларидан устун келди ва фахрли II ўринни эгаллади.

Талабаларни билимга иштиёқ ва орзу-ҳавасларини кучайтириш, ўқитувчиларнинг ўз устида қунт билан ишлашларида иқтидорли ёшларни танлаш, тарбиялашда маъмурият билан касаба уюшма ташкилоти доим ҳамкор ва елкадош. Айни чоғда улар «очиқ» дарслар ташкил қилиш, спорт мусобақалари, фан кечалари ўтказишда бир-бирларига суяниб, таяниб фаолият юритмоқдалар.

Ҳамробекнинг асли касби ўқитувчилик. Бироқ жамоатчилик ишини, яъни касаба уюшмаларига етакчиликни бир зум унутмайди. Жамоа ўзларининг ижтимоий ҳимоячисини яхши билади ва унга ишонади. Шунданми, ҳузуридан фуқаролар аримайди. Мана ҳозиргина директор хонасидан фан олимпиадаларида ютиб чиққан ўқувчининг мураббийсини қўшимча тўлов билан рағбатлантириш ҳақидаги муаммони ечиб чиқяпти. Унга дам олиш учун бепул йўлланма берилди.

Мактаб-интернатнинг ҳисоб-рақами Марҳамат туманидаги «Пахтабанк» бўлимида очилган бўлиб, Ҳамробек ойлик маошларининг тўланиши бўйича масалалар билан ушбу молиявий муассасага тез-тез мурожаат қилиб туради. Йигитнинг жонкуяр касаба уюшма етакчиси эканлигидан, у яшаётган «Таит» маҳалла аҳолиси ҳам яхши хабардор. Чунки у маҳалладаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришга доир ҳашарларда фаол қатнашади.

Қабристонни кўкаламзорлаштириш юзасидан ўтказилган ҳашарда 120 туп терак кўчатлари ўтқазилганди. Эртасига маҳалладошлар не кўз билан кўрсинларки, кўчатлар ўтқазилган жойлар бўм-бўш турарди. Тераклар ўғирлаб кетилганди. Ким бундай жирканч ишга қўл урди экан? Ўғирлик шанба куни содир этилганлиги учун Ҳамробек қабристонни тунаган кимса, теракларни бозорга чиқариб сотиши турган гап, деган фикрга келди. Маҳалла Қирғизистон республикасининг Аравон тумани, «Янги йўл» қишлоғига чегарадош эди. Эрталаб бозор куни Ҳамробек ва бошқа фаоллар биргаликда қўшнилар ҳузурига бордилар. Гумон тўғри бўлиб чиқди. Г.исмли шахс ўғирлик кўчатларни пуллаганлиги фош этилди.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ЙИГИРМА КУН ОЛДИН

***Гулистон туманидаги фермер Абдулазиз Ҳайдаровнинг 44 гектар даласида ўтган йилдагидан йигирма кун олдин чигит униб чиқди. У экинга ишлов беришни бошлади.***

Сўнгги йилларда биринчи марта тумандаги 630 та фермер ва тўртта ширкат хўжалиги деҳқонлари чигит экишни қисқа муддатда ўтказишди. Улар 11200 гектар майдонда ғўза етиштирмоқда.

Туманда ташкил этилган сервис хизмати шохобчалари ҳам самарали иш олиб бормоқда. Фермерларда ёқилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар борасида муаммолар йўқ. Туманда ғўзага ишлов бериш учун 140 та культиватор тайёрлаб қўйилди.

Гулистонлик миришкорлар қабул пунктларига камида 28 минг тонна «оқ олтин» топширишни режалаштиришмоқда.

## ЧЕМПИОНЛАР МАСКАНИ

***Бухоро вилояти марказида болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари сони биттага кўпайди. «Умид» соғломлаштириш мажмуи негизида ташкил этилган янги спорт масканида 300 нафардан зиёд бола миллий кураш, бокс, дзю-до каби спорт турлари бўйича машғулотларни бошлади.***

- Янги спорт мактаби Бухоро шаҳрида яшовчи болаларни соғлом ва бақувват тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга,- деди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими ижрочи директори Исмоил Мирзаев. - Вилоят марказидаги саккиз спорт мактабида 2,5 минг нафардан зиёд бола малакали мураббийлардан сабоқ олмоқда. Спорт мактаблари тарбияланувчилари орасида нафақат мамлакат, балки Осиё, жаҳон чемпионатлари совриндорлари бор.

*Иснод*

# ҚОНУН ПОСБОНИНИНГ НОҚОНУНИЙ ИШЛАРИ

Урганчлик Шуҳрат Ўрозметовнинг эл-юрт олдида ўзига яраша обрўйи бор эди. У вилоятнинг энг нуфузли ташкилотларидан бири бўлган адлия бошқармасида бўлим бошлиғи лавозимида ишларди. Шунга қарамасдан Шуҳрат гиёҳвандликка ружу қўйди ва эл-юрт назаридан қола бошлади. Рост-да, танишлари, қўни-қўшнилари уни қонун, адолат посбони деб ҳурмат қилса-ю, ўзи қонунни топтаб, оёқ ости қилса!

Семизликниям қўй кўтарар экан. Гурлан туман марказининг Мадраҳимов кўчасида яшовчи Рўзим Эшчонов билан танишмаганда балки бу балолар йўқмиди унга. Чўнтаги жарақ-жарақ пулга тўлиб йўлдан озди. Дастлаб Шуҳрат гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғуллана бошлаганини ва ҳатто ўзи истеъмол қилаётганини унинг турмуш ўртоғи сезиб қолди.

– Нима бало, эл-юрт олдида бадном бўлиб, қамалиб кетмоқчимисиз, тўрт нафар фарзандингиз нима қилади! Шу ордона қолгурдан ким наф кўрибдики, сиз кўрсангиз. Ахир, худога шукур, барча нарсамиз етарли-ку?!

Шуҳрат хотинини жеркиб ташлади:

– Менинг ишларимга аралашма, хотин зотини сочи узун, ақли қисқа бўлади, – деб ўз билганидан қолмади.

Ҳар гал Рўзим Эшчонов унинг уйига кириб келганида Шуҳратнинг сўниқ чеҳраси ёришиб кетар ва унга илтижоли кўзларини тикиб «Борми?» – деб сўрарди.

– Жўра, – деди Рўзим Эшчонов одатдаги ташрифларидан бирида Шуҳратга қизарган кўзларини тикиб, минерал ўғит керак, пулини доридан ҳисоблашаверамиз.

– Эртага телефон қиламан, юборишади.

Шу тариқа ҳуқуқ посбони Ўрозметов «заҳри қотил»ни истеъмол қилибгина қолмасдан, энди бу борадаги малакасини амалда қўллашга ўтди. У гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланадиган, уйини бангихонага айлантириб, мўмай даромад учун ҳар қандай пасткашликдан тап тортмайдиган бўлиб қолди. Энди Эшчонов гиёҳванд моддаларни ундан олиб кетиб сотадиган одат чиқарди. Шундай қилиб, ҳар иккала бангига керакли дорилар текинга тушгани етмаганидек,анча-мунча даромадли ҳам бўлиб босар-тусарини билмай қолишди.

Қинғир ишнинг қийиғи чиқмасдан қолмайди. Қанчалик айёрлик қилмасин, жиноятга қўл уриб юрган Шуҳрат Ўрозметовнинг қилмишлари фош бўлди. Р.Эшчонов ўзининг ҳуқуқшунос дўстидан 15 грамм гиёҳванд моддасини 600 000 сўмга сотиб олиб кетаётганида миллий хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан қўлга олинди.

Унинг уйи холислар иштирокида кўздан кечирилганда тегишли рухсатномасиз, қонунга хилоф равишда сақлаб қўйилган 12 калибрли ов милтиғи ҳам топилди.

Ҳуқуқ посбонининг боши тошга текканда кўзлари очилди. Афсуски, энди кеч бўлганди. Ш.Ўрозметов ва унинг ҳамтовоғи одил суд олдида қилмишига яраша жазосини олдилар.

**Э.ЭРМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Юлдузларимиз*

# АФИНАГА ЙЎЛ

Наманган вилояти касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгашининг раиси Ғуломжон Тожимирзаев билан соҳага оид мавзуда суҳбатлашиб ўтирган эдик. Хона эшиги аста очилди-ю, кўриниши қишлоқ ёшларига хос соддароқдан келган йигитча салом бериб кириб келди.

– Вилоятимизнинг номдор чемпионларидан Тўлашбой Дониёров, - таништирди уни суҳбатдошим.- Яқинда Хитойда бокс бўйича ўтказилган халқаро турнирда олтин медал олиб қайтди.

Беихтиёр ўйлаб қолдим. Олдинлари шундай бўлиши мумкинмиди? Асло! Ён қўшниларимиз Афғонистон, Хитой ёки Ҳиндистонга шундоқ бирров ўтиб келиш учун марказдан рухсат олинарди. Энг қизиғи, бунинг учун сиз ўтирган тайёра албатта Москвадан осмонга кўтарилиш шарт эди. Демоқчимизки, Тўлашбой сингари ёшларимиз, умуман, бугунги замондошларимиз дунёни дераза орқали эмас, балки тўғридан-тўғри ўз кўзлари билан кўрмоқдалар. Тўлашбой Дониёров биринчи бор хорижга, аҳоли нуфузи жиҳатидан жаҳоннинг пешқадам давлати ҳисобланган ушбу мамлакатга борганида Ўзбекистонни хитойликлар яхши билишлигини, ўзбекларни ўзларига яқин қўшни ва дўст санашлигини кўриб жонажон диёри билан чексиз фахрланди.

– Хитойликлар кўп жиҳатлари бизга ўхшашиб кетар экан, - дейди чемпион. - Масалан, болажонликлари, гуруч овқатни кўп истеъмол қилишлари, чойни ҳам кўп ичишлари, энг муҳими, меҳнаткашликлари. Кўча айланиб юрсак, бир киши келиб менга ўзбекча салом берди ва қўл узатиб сўрашиб қолса бўладими! Кейин билсам, уйғур миллатига мансуб киши экан. Анча мулоқот қилдик. Ўктабр инқилобининг олатасир тўполонларида келиб қолган ўзбеклар ҳам кўп, деди. Афсуски, вақтимиз зиқлигидан уларнинг суҳбатида бўлиш насиб этмади.



Қаҳрамонимиз бокс бўйича Хитойда ўтказилган халқаро турнир таассуротларини шундай хотирлайди:

– Аввало бизни илиқ кутиб олганликларини алоҳида таъкидлаб ўтмасдан бўлмайди. Меҳмонхонага ўрнашгач, Пекин шаҳри кўчаларини мириқиб томоша қилдик. Хитой миллий маданиятига хос бири иккинчисининг устига мингашган қадимий уйлар билан бир қаторда энг замонавий техника ва технология асосида барпо этилган осмонўпар иморатлар қад кўтарган. Яна бир эътиборимизни тортгани шу бўлдики, боғлар, соя-салқин, умуман, дам олиш масканлари бунёд этилишига ғоят катта эътибор бериларкан. Дарахт ва гулзорлар, фавворалар сероб. Одамлари жуда самимий, дарров сиз билан мулоқотга киришади. Яна бизни қойил қолдирадиган нарса шу бўлдики, аҳоли ғоят кўплигига қарамасдан шаҳар ғоят озода, оёқ остида ёки йўл четида ортиқча нарсани кўрмайсиз.

– Беллашувлар қандай ўтди, - сўрайман ундан.

– Мен ўз вазнимда, яъни 52 килограмлик боксчилар билан рингга чиқдим. Омадим чопиб, ғолибликка эришдим. Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янграганлиги билан фахрланаман.

Яна бир гап. Наманган Давлат университети жисмоний тарбия факультети тўртинчи босқич талабаси, спорт устаси Т.Дониёров Хитойда эришган муваффақиятлари туфайли Афина шаҳрида ўтказиладиган навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланма олиш бахтига ҳам эришди. У Олимпиада ўйинларида юртимиз спорт шарафини ҳимоя қиладиган наманганлик илк боксчидир.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ИККИНЧИ ЎРИН ҲАМ ЧАККИМАС

*Армрестлинг*

Қозоғистоннинг Усть- Каминагорск шаҳрида армрестлинг бўйича Осиё чемпионати баҳслари ниҳоясига етди. Унда қитъамизнинг Япония, Эрон, Хитой, Ҳиндистон каби давлатларидан 120 га яқин спортчилар билак кучини синовдан ўтказдилар. Мусобақада юртимиздан 16 нафар спортчи иштирок этди.

Бош мураббий Қурбон Конишев раҳбарлигидаги терма жамоамиз баҳсларни кўтаринки кайфиятда ўтказиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади. Вакилларимиз 10 та олтин, 7 та кумуш, 17 та бронза медалларни қўлга киритди. Жаҳон чемпионатининг кумуш медали совриндорлари фарғоналик Аваз Асадов ҳамда сирдарёлик Фарид Усмоновлар қитъамизда энг кучли эканликларини яна бир карра исботлади. Айниқса, Фариднинг иштироки мухлис ва мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди. У ўз вазнида ўнг қўлда, ҳам чап қўлда олтин медални қўлга киритди. Сал кейинроқ мутлоқ вазнда ғалаба қозониб, Осиё чемпионатининг мутлоқ ғолиби бўлди. Яна бир вакилимиз Мирзоҳид Шароповга ҳам олтин медал насиб этди.

Қизлар ўртасидаги баҳсда Е. Смирнова ҳамда И. Шашковалар кумуш медални қўлга киритдилар.

Фахрийлар ўртасида иштирок этган Ўзбекистон армрестлинг Федерацияси вице-президенти, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти профессори Фикрат Керимов 86 килограмм вазнда барча рақибларини енгди.

Чемпионат доирасида Осиё армрестлинг Федерациясининг навбатдаги конгресси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди. Ўзбекистон армрестлинг Федерацияси президенти Рисбой Жўраев қитъамиз армрестлинг Федерацияси аъзолигига сайланди. Келаси йилги Осиё чемпионати баҳслари Ўзбекистонда ўтказиладиган бўлди.

Энди терма жамоамиз вакиллари июн ойида Польшада ўтадиган халқаро турнирга йўл олишади. Бу турнир ноябр ойида Жанубий Африкада бўладиган жаҳон чемпионатига тайёргарлик вазифасини ўтайди.

**А.ЮНУСОВ**

*Умидли ёшлар*

# ТАЭКВАНДО ЖОЗИБАСИ

Бундан тўрт йил муқаддам Боғолон қишлоғининг Қиёт маҳалласида жойлашган 27-мактаб биносида спорт жонкуяри А.Матқурбонов ҳомийлигида «Таэквандо» нинг ВТФ йўналиши бўйича тўгарак иш бошлаган эди. Ўшандан бери маҳалла ўғил-қизлари машқларда чиниқиб, ўз маҳоратларини ошириб боришаяпти.

Тажрибали мураббий Михаил Цойдан таълим олган ёшлар бугунги кунда довруқли полвонлар сафида эътироф этилмоқда. Ҳозирги пайтда болаларга Бухородаги «Понтера» клуби аъзоси Анвар Ҳамроев мураккаб кураш усулларини пухта ўргатмоқда.

Спорт залида чаққон ҳаракат қилаётган болаларнинг бардам ва тетик машқлари эътиборимизни ўзига тортди. Ўн ёшли Нажмиддин, Жамолиддин ва 13 ёшли Жалолиддинларнинг ҳаракатларида дадиллик, куч ва маҳорат барқ уриб туганини сезиб олиш қийин эмас.

Мурғаккина жуссаларида шердек қувват бор. Вилоят мусобақаларида тажриба орттирган ака-ука Жалолиддин, Нажмиддин ва Жамолиддин Матқурбоновлар 2001 йилда Туркманистонда ўтказилган халқаро турнирда иштирок этишди. 25 кгли вазнда фахрли биринчи ўринни эгаллаб, диплом билан тақдирландилар.

Тўгарак қатнашчиларининг маҳорати ошиб бораяпти. 2003 йилнинг август ойида Қозоғистонда ўтказилган халқаро мусобақада, сентябр ойида Бухорода бўлиб ўтган очиқ чемпионатда муваффақиятли қатнашиб, биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаб, олтин ҳамда кумуш медал совриндорлари бўлишди. Муваффақиятлар куч-қувватни ошириб, маҳорат ва тажрибани мустаҳкамлади.

Бултур декабрда Алмати шаҳрида ўтказилган мусобақаларда иштирок этиб, жорий йилнинг июн ойида АҚШнинг Вашингтон шаҳрида бўладиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Мураббийнинг шогирдларига ишончи катта. Чунки, ёш спортчилар эпчил ҳаракатлари билан рақибларини шошириб қўйишади. Мусобақалар жараёнида 9-10 тадан рақиб билан курашиб, энг юқори балл тўплашга эришаётганлари эса ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

– Олтин нишонга сазовор бўлиб, шоҳсупага кўтарилишимиз билан Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мадҳияси янграганда қувончимизни кўрсангиз эди, – дейди оғаинилар номидан Жалолиддин. – Беихтиёр кўзимизга севинч ёшлари қуйилди.

Дарҳақиқат, Алмати мусобақаларида Жалолиддин ва Нажмиддин биринчи, Жамолиддин иккинчи ўринни эгаллаб, жамоамизга муҳим очколарни олиб беришди.

Ака-ука ғолиблар мактабда аъло ва яхши баҳоларда ўқишади. Жамолиддин Урганч шаҳридаги аниқ ва гуманитар фанларга йўналтирилган 6-ихтисослашган лицей-интернатда таълим олаяпти.

Жисмоний тарбия ўқитувчиси А.Эрнафасовнинг айтишича, ака-укаларда жисмоний етуклик билан бирга билимларга қизиқиш, мустақил фикрлаш қобилияти кучайган. Машғулотларга вақтидан кечикмай келишади. Мураббий назорати остида ҳар бир машқни чидам билан аниқ ва пухта бажаришади. Эътиборга лойиғи шундаки, ёш таэквондочиларнинг онаси Жумагул опа ва отаси Азамат ака Матқурбоновларнинг спортга қизиқишлари беқиёс. Хонадонларида спорт анжомлари билан жиҳозланган махсус хона бор. Болаларнинг мунтазам шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилган.

Орадан йиллар ўтади. Хоразм вилоятининг Янгибозор туманида вояга етаётган ака-ука таэквандочилар жаҳон татамиларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладилар.

**Н.ТИЛЛАЕВ**

***Болалар спортини ривожлантириш ёш авлоднинг нафақат жисмоний, балки маънавий ва руҳий жиҳатдан камол топишида катта аҳамиятга эга.***

# ЯНГИ ИНШООТЛАР

## болалар спортини ривожлантиришга хизмат қилади

Қашқадарё вилоятида спорт иншоотлари қурилишининг аниқ дастури ишлаб чиқилган. Вазирлар Маҳкамаси Қарори асосида Қарши шаҳрида олимпия захиралари коллежи қурилишига киришилди. Бир вақтлар Қарши Муҳандислик иқтисодиёти институти қаршисида кенг саҳнли майдон ташландиқ ҳолда ётган эди. Вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан бу жойда янги замонавий иншоот қад кўтарадиган бўлди.

Лойиҳа қиймати 8 миллиард 103 миллион сўмлик олимпия заҳиралари коллежи қурилишига қўл урилди. Йирик мажмуадан 600 ўринли ўқув биноси, 200 ўринли ётоқхона, спорт заллари, стадион, ҳар хил спорт турлари учун махсус майдончалар, ёпиқ сув ҳавзаси ўрин олади. Жаҳон андозаларига мос янги спорт мажмуасида ёшлар бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун барча қулайликлар яратилади. Ўтказилган тендер савдоларида «19-деҳқонқурилиш» ҳиссадорлик жамияти, Қашқадарё ишлаб чиқариш қурилиш монтаж бошқармаси, «Саноатқурилишресурс» масъулиятти чекланган жамияти иштирок этиб, «19-деҳқонқурилиш» ҳиссадорлик жамияти ғолибликни эгаллади. Айни пайтда қурилиш тез ва соз олиб борилаяпти. Иншоотнинг биринчи навбати Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилади.

«Ҳисораксувқурилиш» ҳиссадорлик жамияти бунёдкорлари «Болалар спортини ривожлантириш» жамғармаси маблағи ҳисобидан Ғузор туманидаги «Истиқлол» ширкат хўжалигида катта спорт мажмуаси қурилишини олиб боришаяпти. Жамиятнинг 1-,3-,5-,7-механизациялашган кўчма жамланмалари бинокорлари томонидан 960 ўринли ўйингоҳ, волейбол, баскетбол, теннис ва бошқа спорт турлари учун майдончалар, ёпиқ спорт зали ва 2 та сув ҳавзаси қурилиши жадаллаштирилаяпти.

– Мажмуада ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун ҳамма қулайликлар яратилади, - дейди биз билан суҳбатда 1-механизациялашган кўчма жамланма бош муҳандиси М.Ҳамидов. – Буюртмачи ва пудратчилар билан ҳамкорликда иншоотни қисқа муддатларда фойдаланишга топширамиз. Замонавий архитектура услубида қад кўтараётган иморатлар эътиборингизни ўзига тортади. Тажрибали қурувчилардан Нурулла Оралов, Норбой Бобоназаров, Мамат Янгибоев, Нормаҳмат Саидовлар ҳар бир ишни юқори сифатли қилиб адо этмоқдалар.

**И.ИСОМИДДИНОВ**

*Академик эшкак эшиш*

# ЯНА ТЎРТТА ОЛИМПИАДА ЙЎЛЛАНМАСИ

Олимпиада ўйинлари тобора яқинлашиб келмоқда. Айни паллада унда иштирок этиш ҳуқуқини берадиган йўлланмалар учун қизғин кураш кетяпти. Юртимиз спортчилари ҳам турли халқаро турнирларда ушбу шарафга эришиш учун баҳсга астойдил киришмоқдалар.

Куни кеча Хитойда ниҳоясига етган академик эшкак эшиш бўйича Осиё чемпионати баҳсларида вакилларимиз яна тўртта йўлланмани нақд қилишди. Владимир Черненко, Руслан Наурзалиев, Сергей Богданов ва Елена Усарова шундай бахтга муяссар бўлдилар.

*Байдарка ва каноэда эшкак эшиш*

# КАТТА СИНОВ АРАФАСИДА

Францияда байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ўсмир ва қизлар ўртасида халқаро турнир якунига етди. Унда иштирок этган спортчиларимиз юқори натижаларни қайд этдилар.

Яккалик пойгаларида Павел Зарков 500 ва 1000 метр масофада олтин медални қўлга киритди. Серик Мирбеков ва Гера Кочнев жуфтлиги ҳам 1000 метрлик масофада иккинчи бўлди. Қизларимиз Е. Шубина, Е. Мишина, О.Олушева, З. Жабирова тўртлигига кумуш медал насиб этди. Худди шу тўртлик 500 метр масофада ҳам иккинчи бўлиб маррага етиб келди.

Энди байдарка ва каноэчиларимиз 14-16 май кунлари Япониянинг Каматцу шаҳрида бўлиб ўтадиган Осиё чемпионати баҳсларида иштирок этади. Бу мусобақанинг аҳамиятли жиҳати, унда олимпиадада қатнашиш ҳуқуқини берувчи 12 та йўлланмалар ўз эгасини топади. Вакилларимиз ушбу мусобақага жиддий тайёргарлик кўриш мақсадида 3-май куни кунчиқар мамлакатга учиб кетадилар. Терма жамоамиз таркибида Антон Ряхов, Сергей Борзов, Алексей Бобожонов, Юлия Борзова, Антонина Маскалёва, Татяна Левина, Надежда Пишулина каби тажрибали спортчиларнинг жой олгани олимпиада йўлланмалари сони янада кўпайишига умид уйғотади.





Икром ХАСАНОВ олган суратлар

*Футбол*

# МАЙДОНДА КУЧСИЗЛАР БЎЛМАЙДИ

***Очиғи, еттинчи турнинг сўнгги икки ўйинида қандайдир кутилмаган натижа қайд этилишидан умидвор эдик. Аммо ҳеч қандай фавқулодда воқеа юз бермади.***

Қаршининг «Насаф» жамоаси мамлакат чемпиони «Пахтакор»ни қабул қилиб, ўзи учун муҳим бўлган бир очко эгасига айланди. Табиийки, «Пахтакор» ҳам Тошкентга шу пайтгача жамғарган очколарини биттага кўпайтириб қайтди. Бундан ким ютди, ким ютқазди - ҳозирча бир нарса дейиш қийин. Ҳар ҳолда 0:0 ҳисоби кўпроқ «Навбаҳор» ва «Нефтчи» мухлисларини қониқтирди. Нима бўлганда ҳам уларнинг севимлилари турнир жадвалидаги мавқеларини мустаҳкамлаб олишлари учун қулай шарт-шароит яратилди.



Бу, айниқса, фарғоналиклар ўз майдонида Муборакнинг «Машъал» командасини 3:0 ҳисобида мағлуб этгач, янада ойдин бўлиб қолди.

Маълумки, келгуси турни «Пахтакор» ва «Нефтчи» жамоалари ўтказиб юборишади. Бу эса бошқа клубларга қайсидир маънода йўл келади. Хусусан, «Бухоро» - «Навбаҳор», «Трактор» - «Насаф» ва «Металлург» - «Локомотив» жуфтликларида қайд этилажак натижа ҳозирданоқ барчада қизиқиш уйғотмоқда.

**28 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН ВАЗИЯТ**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. «Пахтакор» | 7 | 6 | 1 | 0 | 21-1 | 19 |
| 2. «Нефтчи» | 7 | 6 | 0 | 1 | 17-3 | 18 |
| 3. «Навбаҳор» | 7 | 5 | 1 | 1 | 14-3 | 16 |
| 4. «Насаф» | 7 | 4 | 1 | 2 | 15-5 | 13 |
| 5. «Бухоро» | 7 | 3 | 1 | 3 | 6-13 | 10 |
| 6. «Локомотив» | 7 | 2 | 3 | 2 | 7-4 | 9 |
| 7. «Трактор» | 7 | 3 | 0 | 4 | 7-14 | 9 |
| 8. «Металлург» | 7 | 3 | 0 | 4 | 5-14 | 9 |
| 9. «Қизилқум» | 7 | 2 | 2 | 3 | 10-14 | 8 |
| 10. «Андижон» | 7 | 2 | 1 | 4 | 7-11 | 7 |
| 11. «Сурхон» | 7 | 2 | 1 | 4 | 8-14 | 7 |
| 12. «Самарқанд-Д» | 7 | 2 | 0 | 5 | 7-13 | 6 |
| 13. «Машъал» | 7 | 1 | 2 | 4 | 8-11 | 5 |
| 14. «Сўғдиёна» | 7 | 1 | 1 | 5 | 2-11 | 4 |

# «ҚУВНОҚ СТАРТЛАР»

***Соғлом авлод – юрт келажаги. Жисмонан бақувват, маънан баркамол ёшлар эртанги кунимизнинг муносиб ворисларидир. Фарғона туман халқ таълими бўлимига қарашли муассасаларда ўқувчи ёшларни оммавий спортга жалб этиш, иқтидорли ўғил-қизлар маҳоратини ошириш, моҳир спортчиларни тайёрлашга муҳим эътибор қаратилмоқда.***

Туман халқ таълими бўлимига қарашли 7-сонли умумтаълим мактабида 768 нафар ўғил-қиз таълим олади. Бу ерда таълим-тарбия жараёнининг юқори савияда ташкил этиш билан бир қаторда ўқувчиларнинг бирон бир оммавий спорт машғулотларига мунтазам қатнашишларини таъминлаш мақсадида ҳам кўплаб ибратли ишлар амалга оширияпти.

Туман халқ таълими бўлими ҳамда тармоқ ходимлари касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда олиб борилаётган саъй-ҳаракатларимиз ижобий самарасини бермоқда, – дейди мактаб директори Маъруфжон Турдиматов. – 5-6-7 синф ўқувчиларидан ташкил топган жамоамиз республика мактаб ўқувчиларининг «Қувноқ стартлар» телевизион мусобақаларда муваффақиятли қатнашди.

Дарҳақиқат, мактаб ўқувчилари мусобақанинг туман, вилоят, республика босқич беллашувларида зўр уюшқоқлик билан иштирок этиб, Тошкент вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси жамоаларини мағлуб этишди. Энди фарғоналик ўқувчилар 4 май куни пойтахтимиздаги МҲСК спорт майдонларида сирдарёлик тенгдошлари билан ярим финал баҳсида беллашадилар.

Дарвоқе, туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, қолаверса тармоқ ходимлари касаба уюшма қўмитаси томонидан мактабнинг спорт жамоасига катта ҳомийлик ёрдами кўрсатилмоқда.

– Туман ҳокимлиги томонидан жамоа учун 250 минг сўмлик спорт кийимлари олиб берилди, – дейди таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Алимжон Қурбонов. – Қўмитамиз ҳисобидан эса 80 минг сўмлик спорт жиҳозлари олиб берилди. Ҳозирда мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриляпти. Ҳар куни белгиланган муддатда тажрибали мураббий-ўқитувчилар раҳбарлигида тайёргарлик машғулотлари олиб борилмоқда.



**Суратда: фарғоналик мактаб ўқувчилари «Кувноқ стартлар» телевизион мусобақасининг навбатдаги беллашувларига тайёргарлик кўришмоқда.**

**Камол ОЛЛОЁРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Ногиронларнинг «Содиқ-Жамшид» ўқув ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолияти тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатида қуйидаги телефонда қабул қилинади. 135-16-80



ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.50

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

**«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.**

Тиражи: 16696 Буюртма Г— 517 1 2 3 4 5 6